*Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
8 август
ЧОРШАНБА

№ 62
(12.490)

1928 йил 11 декабрда асос солинган
Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
www.th.uz

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

## МАКТАБДА СУВ СПОРТИ ҲАВЗАСИ

**Тумандаги 18-умумтаълим мактабининг 12x25 ҳажмдаги сузиш ҳавзаси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилгач, ёшларнинг сув спорти билан бемалол шуғулланишлари учун ҳавас қилса арзигулик шароит яратилди.**

"Машҳур" хусусий корхонаси 245 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарди. Бу лойиҳа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Шу билан бирга жамғарма мактабга 32,4 миллион сўмлик турли сув спорти анжомлари ҳам тортиқ этди.

**Озодбек ШУКУРОВ.**

### ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

## ТАШҚИ БОЗОРНИ КЎЗЛАШЯПТИ

**Шаҳардаги "Chirchik antep" масъулияти чекланган жамиятида замонавий усулда гилам тўқиш ўзлаштирилди.**

Лойиҳа қиймати 60 минг АҚШ долларига тенг корхона ихчам ва тежамкор минитехнологияга асосланган бўлиб, тайёрланаётган маҳсулотлар қисқа фурсатда сифати ва замонавий дизайни билан харидорларини топиб улгурди.

Корхона жамоаси яқин орада маҳсулот тури ва ҳажмини янада ошириб, нафақат ички, балки ташқи бозорларга ҳам чиқаришни мақсад қилган.

**Шуҳрат МУРОДОВ.**

### ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## ҚИШЛОҚДАН МАРКАЗГА БИР ҚАДАМ

**Тумандаги "Корбонбек бизнес" масъулияти чекланган жамияти аҳолига транспорт хизмати кўрсатишга бел боғлаган тадбиркорлик тузилмаларидан. Яқинда корхона Ўртасарой қишлоғини туман маркази билан боғловчи янги йўналиш хизматини йўлга қўйди.**

– Бу қулайликдан қишлоқ аҳлининг узоғи яқин бўлди, – дейди йўловчи Обид Орипов. – Ҳозир шу йўналишда қатнаётган янги ва замонавий микроавтобусларнинг хизмат сифати айниқса, биз, кексаларга манзур бўлаяпти.

Таъкидлаш жоизки, кейинги бир йилда вилоят аҳолисига кўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини янада яхшилаш учун эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда жойларда 30 дан ортиқ янги йўналиш жорий этилди.

**Шавкат ТОЛИПОВ.**



## ТАДБИРЛИНИНГ ИШИ УНУМЛИ

***Мустақиллик берган имкону имтиёз туфайли тадбиркорликни касб қилганларнинг иши юришиб, омад кулиб боқмоқда. Янгийўллик Наргиза Маҳамадиева ҳам ишнинг кўзини биладиган, эпчил тадбиркор аёл.***



У бошчилигида ўтган йили ташкил этилган "ASL SAMYA TEXTILE" МЧЖда ҳозир 12 киши "уста-шогирд" йўналишида ишламоқда. Асосан, аёлларнинг мавсумбоп кийимларини тикаётган чеварлар энди эркаклар устки кийимларини тикишни ҳам ўзлаштириб олишди. 10 турдан зиёд кийим-кечак сифати, кўркамлиги билан харидорларга маъқул бўлмоқда.

Хитойдан келтирилган турли безак операцияларини бажарувчи машиналар, бичиш-тикиш ускуналари иш самарадорлигини таъминламоқда. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, фармону қарорлар туфайли Наргиза ўз корхонаси фаолиятини янада кенгайтириш учун "Қишлоққурилишбанк"дан 50 миллион сўм кредит олиб, янги жиҳозлар харид қилиш, яна 10 та янги иш ўринлари яратиш ниятида.

**Сайёра РАҲМОНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона раҳбари Наргиза Маҳамадиева ишчилар билан янги маҳсулотларни кўздан кечирмоқда; ишчилар Сабина Файзиева, Мақсуда Пардаева.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

## БАРҚАРОР ЭПИЗООТИК ВАЗИЯТ САҚЛАНМОҚДА

**Бугунги кунда дунёнинг бир қатор мамлакатларида ўта хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиши оқибатида мураккаб вазият юзага келмоқда. Шу боис мамлакатимиз ҳудудида эпизоотик вазият барқарорлигини таъминлаш, четдан турли юқумли касалликлар кириб келиши ҳамда чорва моллари ва паррандалар ўртасида тарқалишининг олдини олиш юзасидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Мамлакатимизда ветеринария хизматини малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида ушбу хизмат такомиллашиб, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармаси томонидан ҳам эпизоотик ҳолат барқарорлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

– Айрим қўшни мамлакатларда юзага келган эпизоотик вазият ўтказилаётган профилактик ва эпизоотияга қарши тадбирларни янада кучайтиришни талаб этмоқда, – дейди Тошкент вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Малика Сатторова. – Айниқса, ушбу йўналишдаги ишлар вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида кучайтирилган тартибда амалга оширилаётир. Мазкур ҳудудларда барча турдаги ҳайвонлар куйдиргига қарши эмланди. Чегаралардаги мавжуд иккита ветеринария карантин қўриқлаш постида кечаю кундуз навбатчилик ташкил этилган. Мазкур постларда вилоят ҳудудига кириб келаётган барча транспорт воситалари ва улардаги юклар тўлиқ ветеринария назоратидан ўтказилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ветеринария бўлимлари ва лабораториялар, 12 туман ва 4 шаҳар ветсанэкспертиза лабораторияси, вилоят эпизоотияга қарши кураш отряди, 191 зооветеринария пункти фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунларда чорва ва уй ҳайвонларининг юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадида профилактик эмлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Хусусан, куйдирги касаллигига қарши эмлаш учун вилоят бўйича 50 гуруҳ ташкил этилиб, уларга 171 нафар ветеринария мутахассиси жалб этилди. Мазкур гуруҳлар томонидан шу кунгача 427 минг бошдан зиёд қорамол, 455 мингдан кўпроқ қўй-эчки, 38 минг от куйдирги касаллигига қарши эмланди. Шу билан бирга, 80 минг доза куйдирги эмламаси захираси яратилди.

Бу борада аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ҳам яхши самара бермоқда. Жойларда ташкил этилаётган тадбирларда иштирокчиларга мутахассислар томонидан зарур тавсиялар берилмоқда. Вилоят бошқармасида ҳар душанба "очиқ эшиклар" куни, деб эълон қилинган ва ишонч телефонлари кечаю кундуз ишлаб турибди. Фуқаролар мазкур касаллик билан боғлиқ бирон-бир маълумот ёки шубҳали вазиятни сезганда, бизга мурожаат қилишлари мумкин.

Вилоятда куйдирги касаллиги бўйича эпизоотик вазиятни баҳолашда ўтган ойлар давомидаги иммунофон таҳлил қилиниб, чорва моллари миграцияси, қўшни чегарадош давлатлар ва вилоятларда мазкур касаллик бўйича мониторинглар ўтказиш, ахборот алмашиш натижасида олинган маълумотлар асосида касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ветеринария бўлимлари қошида кушхоналар йўлга қўйилиб,- уларнинг фаолияти доимий назоратга олинган.

Деҳқон бозорлари ва савдо шохобчаларида гўшт ва сут маҳсулотлари, мева-сабзавотлар ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилгандан кейин сотишга рухсат этилмоқда.

– Туманимизда 38 минг бош қорамол, 775 минг қўй-эчки, минг бошга яқин от мавжуд, – дейди Паркент тумани ветеринария бўлими бошлиғи Очил Маҳмудов. – Чорвачиликка ихтисослашган 98 фермер хўжалигида эса олти минг бошга яқин чорва моллари парвариш қилинмоқда. Улар чорва молларида учраётган турли касалликлар, жумладан, куйдирги касаллигига қарши тўлиқ эмланди. Бунинг учун бешта бригада фаолияти йўлга қўйилиб, 20 нафардан ортиқ мутахассислар жалб этилди.

Ҳукуматимиз томонидан олдиндан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли бир неча йилдан буён вилоятда мазкур касалликка чорва молларининг чалиниш ҳолати қайд этилмади.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**"Ўзфармсаноат" ДАК ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Республикамиз аҳолисини дори воситалари билан таъминлашда амалга оширилаётган ишлар, уларнинг натижалари ва келажакдаги вазифалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

## РАҚОБАТГА БАРДОШЛИ

Юртимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш лицензиясига эга бўлган 129 та корхона фаолият юритмоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти жаҳоннинг ўн битта мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Соҳада маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда 20 та маҳаллий корхонада ISO-9001 сифатни бошқариш тизими ва 2 та корхонада GMP халқаро стандарти жорий этилди.

Анжуманда шу каби маълумотларга қўшимча оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

### БУГУННИНГ ГАПИ

## ОРАСТАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Инсон саломатлиги ва камолоти оиладан бошланади. Хонадонлар файзли, ораста бўлса, инсон маънавий ва жисмоний соғлом ўсади. Бунинг учун оиланинг ҳар бир аъзоси ҳовли-жойларнинг покизалигига бирдек эътибор қаратиши зарур.**

Ҳар бир хонадонда тозалик билан кўпроқ шуғулланиш лозим бўлган ҳожатхона, ҳаммом ва бошқа жойлар мавжуд. Уларни доимий тозалаш касаллик қўзғатувчилар тўпланишининг олдини олади ва истиқомат қилувчиларнинг саломатлигини таъминлайди.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кўп қаватли уйларнинг ҳолатини яхшилашга оид ҳукумат қарорлари асосида вилоят шаҳар ва туманларида турар-жойларни таъмирлаш, тартибга келтириш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари изчил йўлга қўйилган. Бугун шаҳар ва туманлардаги жами 4227 та кўп қаватли уйга 484 та уй-жой мулкдорлар ширкати хизмат кўрсатаётир. Уларда яшовчи аҳолига қулайликлар яратиш, сервис хизматини янада яхшилаш, биноларни ўз вақтида таъмирлаб, тартибга келтириш учун янги уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилмоқда. 2864 та кўп қаватли уйларнинг ичимлик, оқава сув тармоқларида мавжуд бўлган носозликлар бартараф этилмоқда, фойдаланиш муддати тугаган қувурлар алмаштирилиб, ертўлалар қуритилиб, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация ишлари хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станциялари томонидан шартнома асосида олиб борилмоқда.

Афсуски, баъзи ҳудудлардаги кўп қаватли уйларда таъмирлаш, уй-жой хўжалигини тартибга келтириш ишлари суст. Баъзи шаҳар ва туманлардаги кўп қаватли уйларнинг ертўлалари сув ва чиқиндиларга тўлганлиги оқибатида кемирувчилар – каламуш, сичқон, чивин ва пашшалар кўпайиб, нохуш ҳидлар пайдо бўлмоқда. Оқибатда аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар келиб чиқиш хавфи туғилаётир. Айрим туманларда кўп қаватли уйлар олдидаги ҳожатхоналарда таъмирлаш, ободонлаштириш ва тозалаш ишлари вақтида бажарилмагани ҳамда чордоқ қисмлари таъмирланмагани ҳам аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Оққўрғон туманларидаги кўп қаватли уйларда кўпроқ учраётир.

(Давоми 2-бетда).

### ОГОҲЛИК

## ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Ўтаётган йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилишида жуда катта маъно-моҳият мужассам. Аввало, оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, мамлакатда тинчлик барқарор. Биз ўз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтиришда, миллийлигимизга, маънавиятимизга, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай бузғунчи диний ғояларга қарши туришда оилани мустаҳкам таянч деб билламиз.**

Бу йўлдаги мақсадларимизга эришишга тўсқинлик қилиб, ўзининг бузғунчи, радикал ғоялари билан жамиятимиз ҳаётига кириб келишга уринаётган турли диний-экстремистик ҳаракатларнинг ҳуружлари кучайяпти. Жумладан "Салафия" диний экстремистик ҳаракати ёшлар онгини заҳарлаш каби фаолиятини давом эттираётганлиги кузатилмоқда. Ўз тарафдорларининг сафини кенгайтиришга интилиб, жамиятнинг ёш қатлами, жумладан, ёш оилалардан ўзининг ғаразли ниятларида фойдаланишга интилмоқда. Шу боисдан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири ёшларни шу каби турли диний тузилмалар таъсиридан ҳимоялашдан иборатдир. Ёш оилаларни ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, улар мустаҳкам оёққа туриб олишига кўмак бериш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ноқонуний диний оқимларга аралашиб қолишнинг олдини олиш, керакли имтиёз ва имкониятлар яратиб беришга, аввало, давлатимиз ҳамда жамиятимиз, қолаверса ота-оналаримиз масъулдирлар.

"Салафия" диний-экстремистик ҳаракатининг сохта ғояларига кўр-кўрона ишониб, эргашиб кетаётганлар ҳам учраётгани ачинарли, албатта. Бу ҳаракат айрим жойларда ўзининг бузғунчи ғояларини маҳаллий аҳоли орасида тарқатиш, уларни халқ онгига сингдиришда янгича усул ва воситаларни қўллаб келмоқда.

Салафийлик аждодлар, ўтмишдошлар деган маънони билдириб, илк мусулмон жамоаси диний эътиқоди ва турмуш тарзига риоя этишни даъват қилувчи исломдаги фундаменталистик диний-фалсафий қарашлардан бири сифатида XIV аср бошларида Марказий Арабистоннинг Нажд ва ал-Хосса вилоятлари ҳудудида юзага келган. Салафийликнинг зарур ақидавий, ҳуқуқий ва фалсафий асосларга эга бўлиши асли Суриялик Ибн Таймия (1263-1328) фаолияти билан боғлиқ. Ўзининг агрессив қарашлари туфайли тўрт марта қамоқ жазосига ҳам тортилган.

(Давоми 2-бетда).

# ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЙДИ

**Давлат божхона қўмитаси томонидан "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона мажмуасида Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонларидан кўзланган мақсад ва вазифалар, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Унда Тошкентда фаолият юритаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар чоракда фақат битта соддалаштирилган статистик ҳисоботни тақдим этадилар, молия ҳисоботи эса йилига бир марта тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектларининг 78 фоиздан кўпроғи солиқ ҳисоботини электрон кўринишда тақдим этмоқда. Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида жорий йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилларнинг бекор қилиниши иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

**"Туркистон-пресс".**

МАЪНАВИЯТ

# ЧИРОЙЛИ ТАРБИЯДАН ЯХШИРОҚ МЕРОС ЙЎҚ

**"Бола барибир аслига тортибди-да. Бўлмаса, Фалончи уни бировдан кам қилмай, ўз боласидай тарбия қилди. Ўқитди, едирди, ичирди. Оқибатда нима топди? Юзининг шувит бўлгани қолди... Ўғрининг боласи ўғри бўлади, бузуқники эса..." Кўпинча шундай мазмундаги гапларни эшитиб қоламиз.**

"Хонадон" бадиий фильмини эсланг. Ўғил-қизлар намунали, тўкис оила муҳитида вояга етишади. Илмли, касб-ҳунарли, уй-жойли бўлишади. Лекин манфаатлар тўқнашганда, фарзандлар бири-биридан худбин, бемеҳр инсонлар бўлиб чиқади. Жафокаш ота-она қариган чоғида аросатда қолишади. Қизиғи шундаки, қариялар ўз фарзандларидан кутган меҳр-оқибатни асранди ўғилдан топишади.

Сабаб нимада? Ирсият қаерда қолди? "Етим қўзи..." фалсафасидан келиб чиқилса, оёққа туриб олган асранди бола ўгай ота-онанинг "юрак-бағрини қон этиб" кетиши керак эди-ку! Демак, тарбия борасида бундай азалий қоидалар, қолиплар ҳамиша ҳам тўғри келавермас экан. Ирсиятни инкор қилмаймиз. У бор нарса. Бироқ, таълим-тарбия ҳам йиллар синовидан ўтиб келаётган энг ишончли ахлоқий-маърифий қўлланмадир.

Ҳужжатул ислом номи билан доврук қозонган Имом Ғаззолий ҳазратлари "Агар ахлоқ ўзгармайдиган нарса бўлса, у ҳолда шунча тавсиялар, панд-насиҳатлар ва тарбияларнинг барчаси бекор ишлар экан-да?! – дейди. – Лочин қуши овчининг тарбияси билан қўлга ўрганади, эгасининг буйруқларини итоат билан бажаради. Овчи ит ва асов отлар ҳам шундай. Ҳайвонларнинг хулқини ўзгартириш мумкин экан, нега энди одам боласининг хулқини, табиатини ўзгартириб бўлмайди?!

Майпарастликка ружу қўйганлар атрофидагилар таъсирида бу иллатдан қутулади. Бузуқликни одат қилган эса, фаҳшдан юз ўгиради. Бахиллик кулбасидан қутулган одам эса саховат саройига ўтади, иғвогар иғволарини бас қилади. Ҳатто, энг разил хасталик – ҳасадгўйлик ва ғийбатчиликка йўлиққанлар ҳам тарбия таъсирида бундан қутулиши мумкин. Тирик одамнинг нон топиш мақсадидаги ҳаракати сўнмагани каби гўзал хулқни эгаллашга бўлган интилиши ҳам тўхтамаслиги шарт".

Боланинг келажакда қандай инсон бўлиб камолга етиши, биринчи навбатда ота-она тарбиясига боғлиқ. Фарзанд ота-онага омонат. Тарбияга бепарво бўлиш эса – омонатга хиёнат қилиш билан баробар.

Бола қалби мисоли оппоқ қоғоз, унга қандай ёзув битилса, нақш муҳрланса, у шунга кўра шаклланади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини топади. Албатта, бу савобга унинг ота-онаси, муаллими ва унга тарбия берган ҳар бир киши шерикдир. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бадбахтликка юз тутади, умри хазон бўлади. Бунинг гуноҳи, аввало, унинг илк тарбиячилари – ота-онаси зиммасига тушади. Тарбиянинг энг самарали воситаси эса ибратдир. Бу ҳар қандай панд-насиҳатдан, танбеҳу тергашлардан фойдалироқдир.

Айтайлик, янги дунёга келган гўдакнинг отасиароқхўр, оғзи шалоқ онаси жиззаки. Иккисининг муросаси келишмайди. Хўш, бундай муҳитда фарзанд тарбияси ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Аввалига норасиданинг маъсум юраги бундай муҳит ҳавосига кўниколмайди. Ота-онасига хархаша қилади. Уларни инсофга чақирган бўлади. Қўни-қўшниларнинг болаларидан уялади, номус қилади. Лекин, афсуски, бола-бола-да, қўли қисқа, имкони чекланган – мавжуд муҳитга кўника бошлайди. Фарзанд ўғил бўлса – отасидан, қиз бўлса – онасидан нималарнидир юқтиради. Бошқача айтганда – "қуш уясида кўрганини қилади".

Кўпчилигимиз ўғил уйлантириш, қиз чиқариш деганда тўй ва уни ҳеч кимдан кам қилмай ўтказиш ҳақида бош қотирамиз. Лекин фарзандларимиз оила қуришга қай даражада тайёрликлари хусусида мутлақо ўйламаймиз. Баъзи нарсалар хусусида уларни аввалдан огоҳлантирмаймиз, "этини ўлдирмаймиз". Тўй бир кунда тантана билан ўтади. Асосийси тўйдан кейин бошланади. Лекин биз кўпинча буларнинг ҳаммасини четга суриб қўямизда, "умрда бир бўладиган орзу-ҳавасли тўй"ни рисоладагидек ўтиши учун тер тўкамиз. Гўё ҳаммаси – тўйнинг қандай ўтишига боғлиқдай...

Тарбия масаласига бефарқ қараш – яхши оқибатларга олиб келмайди. Шу сабаб ҳам аҳли донишлар фарзандни дунёга келтиришдан аввал унинг тарбияси учун ҳаракат бошлаш лозимлигини уқтирадилар.

Фарзанд – Яратганнинг олий неъмати. Уни соғлом вояга етказиш, рисоладагидек едириб-ичириш, кийдириш, илмли, касб-ҳунарли, уй-жойли қилиш лозим. Зеро, Расули акрам (с.а.в)нинг: "Ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдиролмайди" дея марҳамат қилишлари бежиз эмас.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**
**Олмалиқ шаҳар бош имом хатиби.**

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# ОИЛА ВА МАҲАЛЛА

**Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида "Мустаҳкам оила – маҳалла таянчи" мавзуида конференция ўтказилди.**

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан икки юзга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида озод ва фаровон ҳаётни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Конференцияда жамиятда маънавий-ахлоқий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасаларининг роли ва ўрнини ошириш каби масалалар бўйича маърузалар тингланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**ЎзА.**

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

*Авангард қишлоғидаги собиқ "Труд" фабрикаси фаолиятини бозор иқтисодиёти муносабатларига мослаштира олмаганлиги сабабли бир неча йиллардан бери ишламай, ишчи-хизматчилар ҳам бекор қолишган эди. Тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли илгари бирикки хил маҳсулот ишлаб чиқарган фабрика ўрнида замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси катта унум билан иш бошлади.*



# ЎРТА ЧИРЧИҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



"Sanfa products" масъулияти чекланган жамияти йирик ишлаб чиқариш базасини барпо этди. Айни кунда 50 ишчи ўрнини яратиб, Марказий Осиёда биринчилар қаторида линолеум ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва мамлакатимизга ушбу маҳсулот четдан импорт қилинишини анча камайтирди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида самарали иш юритаётган корхонада бир йилда 1-1,2 миллион кв.метр линолеум, 500 минг кв. метр гидроизоляция ва 5000 донагача ванна тайёрланмоқда. Айтиш мумкинки, "Sanfa products"да тайёрланаётган замонавий, 4-5 хилдаги ванналар чет элдан келтирилаётган ванналардан сифат жиҳатидан қолишмайди ва албатта, улардан бирмунча арзонлиги билан харидорларнинг эътиборини жалб қилмоқда.

Хитойдан келтирилган янги линиянинг монтажи ниҳоясига етса, автомобиллар учун линолеум ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, яна 10 та ишчи ўрни очилади.

**Толиб ҲАКИМОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) ишчи Рустам Абдуллаев линолеум ишлаб чиқариш жараёнида; Ғулом Ҳакимов тайёр ванна сифатини кўздан кечирмоқда.

**Р. МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.**

**Бугунги мураккаб шароитда ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни Ватан тақдири, эркин ва фаровон ҳаёт учун дахлдорлик руҳида тарбиялаш беқиёс аҳамият касб этади.**

# ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бу борада амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Президентимиз томонидан баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида "Концепция – келажак тараққиётининг кафолати", "Ёшлар сиёсати – ёшлар нигоҳида" каби лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 20 июлидан 20 августигача ёшлар ташкилотлари ўртасида "Концепцияни ўрганиш ойлиги" ўтказилаётир. Олий ўқув юртлари талабаларидан тузилган ва махсус тест синовларидан ўтган кўнгиллилар гуруҳи "Тенгдош – тенгдошга" тамойили асосида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!", "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиорлари остида ўтказилаётган ёшлар фестивалларида йигит-қизларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари кенг намойиш этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида туман ва шаҳарларда, таълим масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида ёшларнинг турли соҳа мутахассислари билан учрашувлари ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари ҳақида сўз юритилиб, ёшларга оид масалалар юзасидан очиқ мулоқотлар уюштирилмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Ҳаракат томонидан "Етакчи" ўқув маркази билан ҳамкорликда ўтказилган социологик тадқиқот ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларни "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоялаш каби долзарб вазифалар борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**ЎзА.**

ОГОҲЛИК

# ДИНИЙ-ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Унинг ғоялари кейинчалик турли мутаассиб гуруҳ ва ҳаракатлар етакчилари мафкурасига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, улардан ўзининг фаол қарашлари билан ажралиб турувчи Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703-1798) бўлиб, унинг фикрича нафақат араб саҳросидаги аҳоли балки, бутун дунё мусулмонлари ҳам асл ислом таълимоти бўлмиш "Тавҳид"дан узоқлашган. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Ислом динидаги турли маросимларга, асрлар давомида шаклланган анъанавий ҳанафийлик мазҳаби таълимотларини ўзида баён қилувчи тасаввуф тариқатларига, тасвирий санъатга, мавлуди шарифни нишонлашга, ўтганлар руҳига Қуръон тиловати туширишга, қабрларни зиёрат қилишга ёки унинг устига белги – қабртош қўйиш каби қарашларга нисбатан ўта мутаассиблик руҳида кураш олиб боради. Уларнинг иддаоларига кўра, одамларнинг Пайғамбар(с.а.в.)га кўпчилик бўлиб саловат айтишлари ва эргашишлари ҳам бу диндаги бидъат бўлиб, у залолатга етаклайди.

Ушбу ҳаракатнинг минтақамиз ҳудудида пайдо бўлиши ва тарқалиши асосан ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб кузатилган.

Мазкур ҳаракат етакчиларининг ўз сайтлари ҳам мавжуд бўлиб, тарғиб ишларини амалга оширишда энг замонавий интернет, аудио-видео кассета ва дисклар ҳамда босма нашрлардан ҳам унумли фойдаланишмоқда. Бу ҳолат янги технологиялардан тобора кенг фойдаланилаётган бир пайтда ёшларнинг онгига салбий таъсир этувчи хавфлардан бирига айланди. Ҳозирги вақтда салафийлар яширин "ҳужралар" фаолиятини кучайтириб, унда асосан ёш йигит-қизларни энг янги технологияларни жалб қилган ҳолда ўқитиш ва уларга "халифалик", "жиҳод", "шаҳидлик" ғояларини сингдириш орқали янги "жамоат"ларни тузишга асосий эътиборни қаратишмоқда.

Ички сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, иқтисодий-ижтимоий аҳволнинг пасайганлиги, ташқи кучлар таъсирининг фаоллашуви ҳамда радикал мафкура тарқалишининг потенциали ниҳоятда юқорилиги, мамлакат аҳолисининг динга мойиллиги каби омиллар "Ал-Қоида", "Ҳизб-ут-таҳрир", "Туркистон исломий ҳаракати", "Мусулмон биродарлар", "Шарқий Туркистон озодлиги ташкилоти", "Таблиғи Жамоат", "Озод Тожикистон", "Ислом гуруҳи", "Сомони Таблиғот", "Салафия ҳаракати" каби турли диний-экстремистик тузилмаларнинг фаолияти кучайишига сабаб бўлди. Шуни айтиш жоизки, бундай ҳаракатларга қарши туриш мамлакатда оила мустаҳкам бўлиши учун, аввало, ота-оналар ўз фарзандларини тўғри тарбиялашлари, замонавий таълим олишларига шароит яратиб беришлари, носоғлом, радикал кайфиятли турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олишлари керак. Зеро, ёшларимиз ҳар бир оиланинг, ҳар бир авлоднинг, қолаверса, ўз юртининг порлоқ келажаги, унинг ишончидир. Шундай экан, "Мустаҳкам оила йили" дастурий режаларига асосланиб, ёшларимизни, хусусан, ёш оилаларимизни, улар онгу қалбини жамият ҳаётига ўзининг сохта, қабиҳ ва ёт ғоялари, ғаразли мақсадлари билан кириб келишга интилаётган "Салафия" диний-экстремистик ҳаракати таъсиридан ҳимояламоғимиз, унинг фаолиятига қарши қатъий чоралар кўришимиз, минтақамизда илдиз отиб кетишига асло йўл қўймаслигимиз, жамиятда анъанавий ислом нормаларини тўғри тарғиб қилиб боришимиз, лоқайдлик ва бепарволикнинг олдини олишимиз, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қарамоғимиз, бу жараёнда ўзимизнинг бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшамоғимиз лозим.

**Элдор ҲАКИМОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

БУГУННИНГ ГАПИ

# ОРАСТАЛИК – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган хонадонни, уйи ва унинг атрофини озода сақласа, уй-жой мулкдорлар ширкатлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшса, турар-жой биноларимиз кўркам, ҳудудимиз обод бўлиб бораверади. Бунда тозаликка риоя этиш, бино пештоқларини таъмирлаш, ертўла қисмидаги ичимлик, оқава, иситиш тизимлари қувурларининг фойдаланиш муддати тугаганларини алмаштириш, том-чордоқ қисмини таъмирлаш ишларига фуқаролар ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Халқимизда: "Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас" деган мақол бор. Агар фуқаролар ҳашар уюштириб, ҳовлиларни, ертўлаларни ва чордоқларни тозалаб боришса, майда таъмирларга ҳам эътибор беришса, уй-жойларни тоза-ораста, бутунлигини сақлашса, нур устига аъло бўларди.

Ошхона, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш омборхонаси ва овқат истеъмол қилинадиган жойлар ҳам тоза ва ораста бўлиши керак. Ошхонада тозалик ва тартиб бўлиши жуда муҳим. Оддий қоидаларга риоя қилишни унутмаслик керак. Масалан, овқатланиб бўлгач, идиш-товоқларни махсус воситалар ёрдамида ювиш ва овқатланилган стол юзасини тозалаш зарур. Шунингдек, ойда бир марта музлаткични тозалаш, унинг тез кирланмаслиги учун маҳсулотларни махсус идишларда сақлаш, чиқиндиларни вақти-вақти билан белгиланган жойларга чиқариб ташлаш тавсия қилинади.

Микробларни йўқотиш учун идиш-товоқларни ювишда махсус воситалардан фойдаланиш, хоналар ҳавосини алмаштириб туриш зарур. Қўл ювиладиган жойларда, албатта, совун бўлиши лозим.

Тирик мавжудод борки, сувсиз яшай олмайди. Саломатлик ва озодаликни таъминлашда ҳам сув муҳим ўрин тутади. Аҳолини экологик тоза ичимлик суви билан марказлашган тартибда таъминлаш, кундалик турмушимизда қайнатилган сув ичишга одатланиш билан кўпгина юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишимиз мумкин. Сув манбаларига чиқиндиларни ташламаслик, атрофида мол боқмаслик, суғормаслик керак.

Аҳоли яшаш жойларидаги маиший қаттиқ чиқиндиларни вақтида олиб чиқиб кетмаслик, айниқса, уни йиғиш майдончаларини, махсус транспортларни вақтида ювиб, зарарсизлантирмаслик юқумли, паразитар касалликлар кўпайиши ва аҳоли ўртасида тарқалишининг асосий сабабларидан биридир.

Бугун дунёнинг бир қанча давлатларида ичак, вабо, безгак каби ўткир юқумли касалликлар учраётгани ва оғир асоратлар қолдираётганидан бохабармиз. Уларнинг келиб чиқишига орасталик, озодалик, ободончилик каби осонлик билан бартараф этиш мумкин бўлган тадбирлар амалга оширилмаётгани сабаб бўлмоқда. Ўйлаймизки, халқимиз бундай касалликлар юртимизда тарқалишининг олдини олишга фаол ҳисса қўшади.

**Баҳром АЛМАТОВ,**
**вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

Олмалиқ шаҳридаги марказий буюм бозори ўрнида барча шароитларга эга бўлган муҳташам савдо мажмуаси бунёд этилгач, бу ерда харидор ва сотувчиларга замонавий қулайлик юзага келди.

Хусусан, 40 та турғун савдо дўкони иш бошлади. Шунингдек, бир қатор сервис шахобчалари ҳам шаҳар аҳлига хизмат кўрсатишга киришди.

**Аъло РАҲМАТУЛЛАЕВ.**



ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# ҲАР ТАРМОҚДАН БИР ШИНГИЛ

"Маҳамаджон-Жаҳонбу" Пискент туманидаги кўптармоқли фермер хўжаликларидан бири. Абдумалик Қаюмов бошида хўжаликни чорвачиликка ихтисослаштириш мақсадида ташкил этган эди. Аммо, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш зарурлигини ҳам унутмади. Масалан, бу йил 6 гектарда ғалла етиштирди. 11,5 гектардаги ғўза яхши ҳосил тўплаяпти.

– 2,5 гектарли боғимиз ҳам бор, – дейди иш юритувчи Дилшод Содиқов. – Яхши қаралган боғ ҳам мўмай даромад манбаи.

Фермер ўзи режалагандек, чорвачилик тармоғини ривожлантиришга зўр беряпти. Ҳозир қорамол туёғи 145 бошга етди. Сигирлар 30 бош. Эртага соғин сигирлар подасини тўлдирадиган 40 бош ғунажин ҳам етилиб қолди. Бундан ташқари, 40 та бўрдоқи гўштга сўйиш учун тайёр.

– Ҳар ойда боғча ва мактабларга 250 килограммдан ошириб гўшт тарқатаётган эдик, – дейди молбоқар Шуҳрат Қаюмов. – Бундан буён гўшт янада кўпаяди.

Хўжаликнинг бедазори ҳозирча, 20 гектар. Сигирларнинг кўпайишига қараб бедазорлар ҳам кенгайиб борса ажаб эмас.

– Биз Юртбошимизнинг чорвачилик фермаларини замонга мослаб қуришга оид кўрсатма ва йўл-йўриқларига амал қилаяпмиз, – дейди Абдумалик Қаюмов. – Ҳозир янгича молхоналар лойиҳаси тайёр бўлди. Ҳам гўшт, ҳам сут етиштиришга ихтисослашаётганимиз учун келажакда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехларга эга бўлиш масаласини ҳам ҳозирдан режалаштириб бориш ҳақида ўйлаяпмиз. Бунинг учун банклардан кредит олиш ниятимиз бор.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

**Мустақил Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг муҳим хусусиятларидан бири фойдали ташаббусларни ёқлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Зеро, раият омонлиги, эл-улус фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналган тадбиркорлик айни мустақиллик йилларида ривож топди, ўз мазмун-моҳиятига эга бўлди. Юртбошимизнинг бу борадаги қатор фармон ва қарорлари тадбиркорликни ихтиёр этганларга маънавий рағбат, моддий кўмак вазифасини ўтамоқда.**

# ТАДБИРКОРЛАРГА РАҒБАТ, БАНДЛИККА КЎМАК

Аҳоли фаровонлиги йўлидаги ғамхўрликнинг ифодаси бўлган муҳим ҳужжатлардан бири "Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб, уларни ўз фаолиятларида қўллай олишлари учун вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси қатор чора-тадбирлар режасини тузиб, шу асосда жойларда тушунтириш ишлари, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари уюштирмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк бошқармаси вилоят бўлими, адлия ва савдо-саноат палатаси бошқармалари ҳамкорлигида Оҳангарон туманида ўтказилган семинар ҳам мазкур қонунлар мазмун-моҳиятини туманнинг чекка қишлоқларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларга тушунтириш, уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ташкил этилди.

– Вилоятимиз аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликка бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Ҳозир улар 5300 нафарга етди. Бу бежиз эмас. Тадбиркору ишбилармонларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар уларга кўтаринкилик, ғайрат-шижоат бағишламоқда. Йилнинг ўтган 6 ойи давомида тадбиркорликни ихтиёр этган 661 хотин-қизга 14 миллиард 258 миллион сўм кредит берилди. Натижада яна 1219 та янги иш ўринлари яратилди. Энг кўп кредит олган Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон, Чиноз ва Янгийўл туманларида бандлик масаласи бир мунча ижобий ҳал этилмоқда. Хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлганлар эътиборсиз қолмаяпти. Муҳими, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган давлат маблағи бесамар кетмаслиги керак. Фаолиятини қонун доирасида ташкил этаётган тадбиркор ҳеч қачон ютқазмайди. Бунинг учун дастлабки қийинчиликларни енгиб ўтиш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштириш лозим бўлади. Мутахассислар, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилаётган ўқув-семинарлар, давра суҳбатларимиз шу маънода ўз самарасини беради, деган фикрдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, Зангиота, Чиноз, Оққўрғон, Янгийўл ва бошқа туманларда бўлиб ўтаётган семинар-тренинглар натижасида иш бошлаш ниятидаги бўлғуси тадбиркорлар имтиёзли кредитлар олиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари, оилавий тадбиркорлик, текширишларни тартибга солиш, солиққа тортиш қоидалари, имтиёзлар, талаб ва вазифалар ҳақида тушунчага эга бўлишди, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**ДАВРА СУҲБАТИ**

# АВТОТРАНСПОРТЧИЛАР УЧУН МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

**Ҳар биримиз эрта билан ишга, бошқа юмушларимизга отланамиз. Манзилларимизга вақтида, хуш кайфият билан етиб олишимиз транспортчиларнинг муомаласи ва хизмат маданиятларига боғлиқ.**

– Билсангиз, сиз билан бизнинг автобус ёки йўналишли таксиларни эрта билан қай ҳолатда йўлга олиб чиқишимиз, кийинишимиз, йўловчиларни кутиб олишу кузатиш маданиятимиз кўп жиҳатдан бугунги янгиланаётган жамиятимиздаги маънавий муҳитни белгиловчи омиллардир, – деди вилоят йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Сайфутдин Сирожиддинов автотранспортчиларнинг Олмалиқ шаҳрида "Бахтимсан, тақдиримсан, мустақил Ўзбекистон!" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида. – Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини муттасил ошириб боришимиз керак.

Давра суҳбатида Олмалиқ шаҳри ва Оҳангарон туманида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган ўнга яқин автотранспортчилар уюшмаларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этишди. Тадбирни Департамент Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш соҳасида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз автомобиль саноатининг барқарор юксалиб бораётгани, йўловчи ташиш маданиятини янада яхшилашга оид долзарб вазифалар ҳақида фикрлашиб олинди. "Ўзбекистон ва жаҳон" мавзуси давра суҳбати қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, она Ватан равнақи, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, огоҳлик, ҳозирги глобаллашув шароитида одамларда халқаро терроризм, диний экстремизм ва бошқа зарарли оқимлар хуруужларига қарши туриш салоҳиятини кучайтириш, бу борада транспортчиларнинг вазифаларига доир фикр-мулоҳазалар алоҳида эътибор билан тингланди.

– Мустақиллик байрами арафасида автотранспортчилар учун шундай маънавий сабоқлар ташкил этиш анъана бўлиб қолди, – деди Департамент раҳбари. – Дастлабки давра суҳбатимиз Ангрен шаҳрида ўтди. Пайшанба куни эса, Бекобод шаҳри ва тумани йўловчи ташувчи автотранспорт уюшмалари ходимлари учун шундай маънавий-маърифий сабоқ ташкил этамиз.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


**«SPARETRA» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бўка туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 14.11.2011 й. № 8511/16-сонли ижро ҳужжатига асосан "ААГ-ГАЗ САЗ 3507", д/р. 11 О 2812 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 280 287 сўм. 2. 14.11.2011 № 8515/16-сонли ижро ҳужжатига асосан "OPEL", д/р. б/н. автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 451 300 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 23 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога Бектемир туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 07.03.2012 й. № 2-24-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. "Ваз 21063", д/р. 01 Z 749 ВА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 696 838 сўм. 2. 07.03.2012 № 2-24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. "Матиз", д/р. 50 R 403 ВА автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 500 000 сўм. 3. 22.02.2012 № 1-64-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. "Матиз Бест", д/р. 01 Е 332 FA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 717 865 сўм. 4. 07.06.2012 № 1-338-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. "Матиз", д/р. 01 А 406 GA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 7 сентябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ихтисослаштирилган корхонасининг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76. Гувоҳнома № 004593.

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти ҳокимлигининг 02.08.2012 йилдаги 50-сонли буйруғи ҳамда 1.06.2012 йилдаги 109-ф сонли фармойишига, Тошкент вилояти ҳокимиятининг 03.08.2012 йилдаги УД-150-сонли хатига мувофиқ, Тошкент вилояти ҳокимлигига тегишли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Тожик кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1. "Opel Omega" русумли, д/р 01 466 QBA бўлган, 2002 йилда и/ч., бошланғич баҳоси – 11 770 000 сўм;
2. "Opel Omega" русумли, д/р 10 TV 202 QBA бўлган, 1997 йилда и/ч., бошланғич баҳоси – 8 640 000 сўм;
3. "Opel Omega" русумли, д/р 01 955 QBA бўлган, 2002 йилда и/ч., бошланғич баҳоси – 17 825 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 10 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 7 сентябрь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 10 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 20 ва 28 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 сентябрдаги савдолар учун 2012 йил 18 сентябрь куни соат 18.00; 2012 йил 28 сентябрдаги савдолар учун 2012 йил 26 сентябрь куни соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел: (8-371) 233-49-31. Гувоҳнома: 006231. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz


*Ангрен шаҳар "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти қошидаги "Коинот" болаларни соғломлаштириш оромгоҳидамиз. У 310 ўринга мўлжалланган. Уч мавсумда бу ерда 930 нафар фарзандларимиз дам олишди. Уларнинг 150 нафари Хоразмдан, 180 нафари Ангрен шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи" болаларидир.*




# «КОИНОТ»га БИР КУН САЁҲАТ

"Коинот"нинг умумий майдони 10 гектар бўлиб, у ерда 800 га яқин олма, олча, гилос, ўрик, олхўри, тоғолча ва узумлар пишиб ётибди. Манзарали дарахтларнинг сон-саноғи йўқ. Арчаларнинг эса 10 га яқин тури бўлиб, улар ўзига хос ёқимли ҳид таратмоқда. Гуллар оромгоҳни янада безаб турибди. Катта-кичик сув ҳавзаси, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, маънавият ва маърифат маркази, кутубхона, тиббиёт ва компьютер хоналари, шашка-шахмат, моҳир қўллар каби тўгараклар ишламоқда. Оромгоҳга кирар экансиз, авваламбор унинг табиати, об-ҳавоси кишини ўзига ром этади. Шунингдек, оромгоҳ тоза, озодалиги билан ҳам ажралиб туради.



Бизни катта тарбиячи Гулчеҳра Култимирова кутиб олиб, оромгоҳ билан бирин-кетин таништириб чиқди. Ишни тўгаракларни кўздан кечиришдан бошладик. Моҳир қўллар тўгарагида Мафтуна ва Нилуфар Қурбоновалар болаларга қоғоз, мато, қамиш, толлардан ҳар хил безаклар, гул ва турли ўйинчоқлар ясашни ўргатаётган экан. Аслида тўгарак раҳбарлари шаҳардаги педагогика коллежи талабалари бўлиб, таътил пайти "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раҳбариятига мурожаат қилдилар. Қўмита вакиллари қўллаб-қувватлашди.

– Бу машғулот билан беш йилдан бери шуғулланаман, – дейди Мафтуна Қурбонова. – 40 кундан бери 200 дан ортиқ укасингилларимга ўз билганларимни ўргатаяпман. Ёшларимиз ақлли, зийрак ва қунтли.

– Ёшим 8 да, бу ерга келиб, дўстлар орттирдим, – дейди Азиза Норбоева. – Мунчоқлардан арча, мевали дарахт ва икебаналар ясашни ўргандим.





Биз кутубхонага йўл олдик. 20 дан ортиқ болалар ўзлари ёқтирган китобларни мутолаа қилаётган эканлар. Кутубхона, маънавият ва маърифат маркази раҳбари Нилуфар Ғозиевани суҳбатга тортдик.

– Кутубхонамиз 3000 га яқин китоб фондига эга. Шундан 400 га яқини ўзбек халқ эртаклари, ҳикмат ва мақолларидан иборат, – деди кутубхона раҳбари. – Бу йил кутубхонамизга ҳар бири икки донадан "Коинот", Ўзбекистон, "Ҳайвонот олами", "Капалаклар олами", "Танишинг, ер сайёраси", "Ер ва эл" ҳамда "Ўсимликлар олами" ҳақидаги энциклопедиялар келтирилди. Яна 300 га яқин бадиий асарлар билан ҳам бойиди. Болалар бу китобларни севиб ўқимоқдалар.

Оромгоҳда 12 та гуруҳ бўлиб, улар Ер, Қуёш, Сатурн, Юпитер, Уран, Нептун, Венера, Плутон. Юлдуз, Марс, Лунатик каби номлар билан аталади. Гуруҳлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилади. Ҳозир сузиш мусобақалари ўтаётган экан. Сув ҳавзасида болалар эмас, спортчилар ҳаракатланаётганга ўхшайди. Ҳар бир бола ўз жамоасига мухлислик қилади. Мусобақада Ерликлар I, Қуёш II, Марс гуруҳи спортчилари III ўринни эгалладилар. Тиббиёт хонасига кирсак, реанематолог-анестезиолог шифокор Руслан Абдуллаев бир-икки болани кўрикдан ўтказмоқда экан.

– 3-смена ҳам тугамоқда, оромгоҳда бирорта ҳам нохуш ҳолат юз бермади, – деди Руслан Абдуллаев. – Бунга бу ердаги тартиб-интизом, об-ҳаво имкон берди.

Ошхонадаги тозалик, озодалик бизни ром этди. Бош ошпаз Соим Янгибоев билан парҳез ҳамшираси Саодат Бегматова овқатларнинг сифатини текширишмоқда эди.

– Болаларимизга 4 маҳал овқат берилади, – деди Соим Янгибоев. – Уч-тўрт йилдирки, оромгоҳимизда катта ўзгаришлар юз берди, йилдан йилга яшариб, гўзаллашмоқда.

Сафар сўнгида болалар билан суҳбат қурдик. Улар оромгоҳдаги яратилган қулайликлардан кўнгиллари тоғ бўлиб қайтаётганлигини айтишди. Оромгоҳ ошхонаси икки йил олдин капитал таъмирдан чиқди, болалар ётоқхоналаридаги юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, идиш-товоқлар янгиланди.





**Даврон АҲМАД.**
**Муаллиф олган суратлар.**

# ПИШИҚ, СИФАТЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ

**Вилоятда шу йилнинг биринчи ярмида иш бошлаган 190 та янги ишлаб чиқариш субъектининг 24 таси қурилиш материаллари тайёрлашга ихтисослашган.**

Бундан ташқари, бир қатор турдош корхоналарда модернизация лойиҳалари амалга оширилаяптики, бу пировардида, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш баробарида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ҳам ошириш имконини бераяпти.

Чиноз туманидаги пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи "Меҳнат" масъулияти чекланган жамиятида ҳам банкнинг 300 миллион сўм молиявий кўмаги ҳисобидан технологик линия ва жиҳозлар янгиланди. Қўшимча қувватларнинг ишга тушиши билан бу ерда йилига 15 миллион донадан кўпроқ пишиқ ва сифатли деворбоп маҳсулот тайёрлаш имкони юзага келди. Лойиҳа шарофати билан 25 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**


"O`ZTIBTEHNIKA" масъулияти чекланган жамияти устав фонди 447802 минг сўмдан 409658 минг сўмга камайганлигини маълум қилади.

ООО "UNIVERSAL FOOD TRADE", зарегистрированное в хокимияте Хамзинского района за рег.№ 003395-07 (ИНН 200547777) сообщает о снижении уставного фонда с 24 445 539 сум до 22 412 739 сум.

Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 298-35-92.

ЧП "ALEX-VISAJ SERVIS", зарегистрированное ИРСП Бектемирского района г. Ташкента за № 000452-02 от 16.03.2007г. (ИНН 300352567, ОКОНХ 14831) сообщает о своей реорганизации путем присоединения к ООО "STEEL CONCEPTION" Сергелийского района г. Ташкента.

ООО "STEEL CONCEPTION" является правопреемником по всем правам и обязанностям ЧП "ALEX-VISAJ SERVIS". Тел.: (+99893) 180-01-03.

ООО "BONNE CHANCE SERVICE", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента (реестр. № 006987-04 от 24.11.11г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, м-в Ирригатор, дом 4 (ИНН 302143477), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокл № 1 от 07.08.12г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ООО "TRANSTAMIR MULTI SERVICE", зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента от 01.07.2009г. (ИНН 301205691) в соответствии с Протоколом № 3 общего собрания учредителей от 06.08.2012г о ликвидации ООО "TRANSTAMIR MULTI SERVICE". Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, массив Чиланзар-19, дом 17, кв. 8.

ООО "UGAM QURILISH", зарегистрированное ИРСП Юнусабадского района (ИНН 301481256, ОКПО 23174369) извещает об уменьшении уставного фонда с 134 184 000 сум до 2 894 200 сум. Справки по тел.: 180-30-60.

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 31-ўрта умумтаълим мактаби томонидан 1999 йилда Дадабаева Нодира Умаралиевна номига берилган O`R-A 637666 рақамли шаҳодатнома ҳамда Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1997 йилда Дадабаева Нодира Умаралиевна номига берилган 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги O`R-D 100146 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани инспекцияси томонидан 2009 йил 7 сентябрда 004800-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг "PALATA VIZIT SERVIS" унитар корхонаси фаолияти норентабеллиги сабабли ўз иш фаолиятини **ТУГАТАДИ.**

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой давомида 255-20-48 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Учтепа тьумани ТСРЎИ томонидан 01.06.2012 йилда реестр тартиб рақами 0111723 (ИНН 495835815) билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Абдуллаев Рахматулла Хабибуллаевичга тегишли бўлган Гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2004 йилда Абдуллаева Мохира Шералиевна номига берилган К № 062848 (рўйхат рақами № 314) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 20-уйда жойлашган "YO`L LOYIHA-AXU" (ИНН 205705798) илмий тадқиқот ва йўл лойиҳалаш хусусий корхонасининг мулкчилик шакли "YO`L LOYIHA-AXU" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "NANILA-FARM" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 12.01.2011 йилда 005-742 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 53-Б уй манзилида жойлашган "ETIKET AKSESUAR TASHKENT" МЧЖ (СТИР 301795704) ихтиёрий равишда **ТУГАТИЛАДИ** (Ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги жамият қатнашчиларининг 2012 йил 8 августдаги 08-08-сонли қарор). Эътирозлар 2 ой муддатда қабул қилинади.

# ВАДИМ МЕНЬКОВ – ФИНАЛДА

**Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, навқирон авлоднинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, иқтидорли ўғил-қизларни кашф этиб, уларни маҳоратли спортчилар этиб тарбиялаш ва доимий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида ҳамюртларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда мунтазам муваффақият қозонмоқда.**



Лондон шаҳрида давом этаётган XXX ёзги Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган каноэда 1000 метрга эшкак эшишда ҳамюртимиз Вадим Меньков саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтди.

Таъкидлаш зарурки, саралаш мусобақасининг биринчи босқичида 17 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ўз гуруҳида маррага иккинчи келган ўзбек спортчиси ярим финалга чиқди. Финал йўлланмаси учун баҳсда эса 16 спортчи икки гуруҳда ўзаро куч синашди. Унда маррага тўртинчи етиб келган Вадим Меньков финалда иштирок этадиган бўлди. Ғолиб ва совриндорлар 8 август куни бўлиб ўтадиган финал мусобақаларида аниқланади.

– Каноэчи сифатида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари каби барча нуфузли мусобақаларда зафар қучган бўлсам-да, Олимпия ўйинларида шоҳсупага кўтарилиш – энг юксак орзуим, – дейди Вадим Меньков. – Шу боис мақсадим – XXX ёзги Олимпия ўйинларида ғалаба қозониб, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаш. Олимпия ўйинларининг саралаш баҳслари муваффақиятли ўтди. Энди бор эътиборимни финал беллашувларига қаратаман. Ҳар қандай мусобақа давомида давлатимиз раҳбари, халқимиз мени қўллаб-қувватлаб турганини чуқур ҳис қиламан ва бу менга янада куч-ғайрат бағишлайди, ғалабага бўлган иштиёқим ва интилишимни оширади. Биз, спортчилар, истиқлол туфайли халқаро майдонларда ўзимиз туғилиб ўсган юрт шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлдик. Шунинг учун Лондон Олимпиадасида халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға тайёрлашга ҳаракат қиламан.

1987 йилда туғилган Вадим Меньков халқаро майдондаги дастлабки салмоқли ютуғига 2006 йилда Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида эришган. Ўша йили Польшада жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллади. Осиё чемпионатида эса шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

В. Меньков Пекин Олимпиадасида 1000 метрга эшкак эшишда совринли ўринларга жуда яқин эди. Пойгани тўртинчи ўринда якунлади. Гарчи совринли ўринни ололмаган бўлса-да, осиёлик каноэчилар ўртасида энг яхши кўрсаткични қайд этганди.

Пекин Олимпиадасидан сўнг ўз олдига юксак мақсад ва марраларни қўйган спортчимиз машқларни кучайтириб, мусобақаларга янада кучли масъулият билан ёндаша бошлади.

Таниқли мураббий Александр Пономарёв раҳбарлигида шуғулланаётган моҳир спортчимиз 2009-2012 йиллар давомида беш маротаба жаҳон кубоги босқичларида зафар қучди. 2009 йили Канаданинг Дартмут, 2010 йили Польшанинг Познань шаҳарларида ўтган жаҳон чемпионатларида каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича олтин медалларни қўлга киритди. Шунингдек, қитъа миқёсидаги мусобақалар – Осиё ўйинларида олтин, қитъа чемпионатида олтин ва бронза медалларига сазовор бўлди.

Ўзбекистонлик каноэчилар ўртасида биринчи бўлиб жаҳон чемпионлигига эришган Вадим Меньков спортдаги юксак натижалари туфайли Халқаро каноэ федерацияси (ICF) томонидан кетма-кет учинчи маротаба жаҳоннинг "Энг яхши каноэчиси", деб эълон қилинди.

Жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, юксак натижалари орқали юртимизда камол топаётган навқирон авлоднинг ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини намоён этиб келаётган спортчиларимиз орасида Вадим Меньков ҳам бор. У Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони ва "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

Спортчимизга кейинги мусобақаларда омад тилаймиз!

**ЎзА.**

## XXI аср ва дунё

### ФИТНАЧИЛАР ПЕНСИЯГА ЧИҚАРИЛДИ

**Туркиянинг олий ҳарбий кенгаши юқори мансабли зобит, жумладан, 40 генерал ва адмирални истеъфога чиқарди, деб хабар тарқатди BBC News. Улар давлат тўнтаришини тайёрлашда гумон қилиниб, ҳибсда сақланмоқда.**

AFP агентлигининг маълум қилишича, олий ҳарбий кенгашнинг генералларни пенсияга жўнатиш тўғрисидаги қарори мамлакат президенти тасдиқлаганидан сўнг эълон қилинди. 2008 йилдан буён Туркияда Режеп Тайип Эрдоған ҳукуматига қарши фитнада иштирок этганликда гумон қилиниб, юзлаб зобитлар ҳибсга олинди.

2003 йилда ҳарбийлар ўртамиёна исломчи Эрдоғанни бош вазир вазифасидан олиб ташлашни режалаштиришган эди. Сиёсатга кучли таъсири бор турк генералитети ҳаётий йўналишдаги давлатни ёқлайди ва исломлаштиришга қарши. 2012 йилнинг апрелида истеъфога чиққан бир неча ўн зобит, шу жумладан, 4 генерал 1997 йилги ҳукуматни ағдаришни уюштиришда гумон қилиниб, ҳибсга олинганди. Ўшанда ҳарбийлар Нажмиддин Эрбакан ҳукуматини истеъфога чиқишга мажбур этгандилар. Чунки бу ҳукумат турк жамиятида диний кайфият кучайиб бораётганига бефарқ қараган эди.



### СУВ БАЛОСИ ҚУРБОНЛАРИ

**AFP агентлиги КХДР Марказий телеграфи маълумотларига таяниб, мамлакатдаги сув тошқинлари қурбонлари 169 кишига етганлиги ҳақида хабар тарқатди.**



Табиий офат оқибатида 400 киши бедарак йўқолди. 200 мингдан зиёд киши бошпанасидан айрилди. 65 минг гектар ҳайдаладиган ер сув остидан қолди. 1400 дан кўпроқ ижтимоий муассасалар ёпилди, улар орасида мактаб ва шифохоналар ҳам бор.

Сув тошқинлари июль ойининг охирларида бошланиб, қарийб бир ой давом этган кучли ёғинлар сабабли бошланди. Офатдан жануби-ғарбий Канвондо ва Хамген-Намдо вилоятлари айниқса кўп зарар кўрди.

Ўтган ҳафтада Пхеньян БМТдан инсонпарварлик ёрдами сўраганини таъкидлади "Ренхап". БМТ вакилининг маълум қилишича, КХДРга 336 тонна озиқ-овқат жўнатилади. Аммо, Жанубий Корея ҳозирча, қўшниларга ёрдам беришга ошиқмаяпти.

**60 йилдан зиёд умр кўрган ва дунёдаги энг кекса ҳисобланган Донна лақабли урғочи бегемот Индиана штатидаги Эвансвилл ҳайвонот боғида ҳаётдан кўз юмди.**

### ЭНГ КЕКСА БЕГЕМОТ ВАФОТ ЭТДИ



AFP агентлигининг маълум қилишича, боғ ходимлари "кексалик ҳам касаллик" деганларидек, кейинги кунларда қийналиб, қаттиқ азоб чекаётган қари Доннага раҳм қилиб, бу дунёни тезроқ тарк этиб, азоблардан бир йўла қутулишига ёрдам бердилар. Ҳайвонот боғи директори Амос Морриснинг сўзларига қараганда, Донна кучли артритдан азият чеккани боис шундай чора қўллашни маъқул кўришган.

Донна 1951 йилда Мемфис ҳайвонот боғида туғилган эди. 1956 йилда эса, Эвансвиллга кўчиб келганди. Бу ерда у саккиз фарзанд кўрди. Бегемотлар табиий шароитда кўпи билан 40 йил, ҳайвонот боғида эса 50 йил яшайди. Донна ҳозирча, дунёда энг узоқ умр кўрган бегемот бўлиб қолди.

### ТЕЛЕФОНДА ЎН БЕШ СОАТ

**Qantas Airways авиакомпаниясига қўнғироқ қилган австралиялик бизнесчи Эндрю Кан гўшак орқали 15 соат жавоб кутганини маълум қилди The Sydney Morning Herald.**

Эндрю Каннинг ҳикоя қилишича, Qantas Airwaysга Нью-Йоркка учишини маълум қилиш учун 2 август куни кеч соат еттиларда қўнғироқ қилган. Автожавобчининг маълумотини тинглаб, операторнинг жавобини кутишга қарор қилган. У телефонни баланд овозга қўйиб, ўз ишлари билан шуғулланган. Юмушларини бажаришдан ташқари менежментликда қарор қабул қилиниши тўғрисида 200 бет матн ўқишга ҳам улгурган. Эртасига эрталаб соат ўн бирларда, ҳамон жавоб ололмаган Кан, ниҳоят гўшакни қўйди. Энди ҳеч қачон Qantas Airways самолётларида учмайман, деди.

Авиакомпания ходимлари ушбу вазиятни изоҳлашдан бош тортдилар. "Учар Кенгуру" лақабини олган ушбу авиакомпания мамлакатда энг йирик ҳисобланади. 2011 йил октябрда компания нуфузи ва бюджетига катта зарар етди. Чунки, компания ходимлари касаба уюшмасининг иш ташлаши оқибатида йўловчилар парвозлар қайта тикланишини икки кеча-кундуз кутиб қолдилар.



### ЖАНОЗАДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

**Яманда содир этилган террорчилик акти натижасида ўлганлар қирқ кишидан ошди. AFP ҳукуматдаги манбалар маълумотига таяниб шу хабарни тарқатди. Камида 37 киши жароҳат олди.**



Портлаш мамлакат жанубидаги Абьян вилоятининг Жаар шаҳрида якшанбага ўтар кечаси содир этилди. Reutersнинг хабарига қараганда, камикадзе жаноза маросими бўлаётган пайтда портловчи ускунани ишга солган. Қурбон бўлганларнинг камида 25 нафари жанубий шаҳарлардан жангариларни қувиб чиқаришда ҳукуматга ёрдам берган қуролланган қабила отрядларида қатнашганлар эди.

Ушбу минтақада ва дунёда энг хавфли террорчи гуруҳлар сифатида танилган "Ал-Қоида" Араб яриморолида" гуруҳи кейинги пайтларда Яманда содир этилган бир нечта террорчилик актлари учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Энг йирик портлаш 2012 йил майда Санада юз берди. Ўшанда Яман бирлашганининг 22 йиллигига бағишланган парад иштирокчиларидан юзга яқин одам ҳалок бўлган эди.

**MSL космик аппарати 6 август куни эрталаб Марс сайёрасига қўнди. NASA сайти орқали қўниш жараёни тўғридан-тўғри намойиш этилди. Аппарат Гейла вулқони оғзига қўнди.**

### АППАРАТ МАРСГА ҚЎНДИ



MSL 2011 йил 26 ноябрда ҳавога учирилган эди. Марсни тадқиқот этишнинг бутун тарихида энг йирик роботлаштирилган бу аппаратнинг вазни 900 килограммга яқин. Уни сайёрага қўндиришдан мақсад Марснинг юзаси ва бироз чуқурликдан намуна учун олинадиган тупроқнинг кимёвий таркибини таҳлил қилишдир. Аппаратга жойланган ускуналар қаторида масс-спектрометр, газ хроматограф, рентген спектрометри бор. Бундан ташқари, Россияда тайёрланган DAN нейтрон детектор ҳам ўрнатилган бўлиб, у сайёра сатҳи остида муз қидиришга мўлжалланган.

Гейла вулқонининг диаметри 160 километрдан зиёд бўлиб, марказида кўп километрли дўнглик ҳам бор. MSLни қўндириш учун айнан шу жой танлангани бежиз эмас. Олимлар вулқон марказидаги дўнгликни Марсда сув борлиги пайтида келтирилган чўкма жинс деб ҳисобламоқдалар.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЯНА ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

# УРФГА АЙЛАНАЁТГАН «УДУМЛАР»

Бизнинг миллий қадриятларимиз нафақат Шарқ мамлакатларида, балки, бутун дунёда ўзига хос узоқ йиллик тарихни қамраб олган.

Жуда гўзал анъаналаримиз замирида миллатимиз маданияти ўзининг бўйбастини кўрсатиб туради. Биз ёшлар шундай юксак маънавиятимиз, маданиятимиз билан ҳамиша фахрланамиз. Айниқса, тўйларимиз, халқ сайиллари, ўтказилаётган турфа маросимлар бир-бирига уйғунлиги, меҳр-мурувватга йўғрилган жиҳатлари билан дунё халқларининг ҳайрати ва меҳрига сазовор бўлиб келмоқда. Булар орасида ўзбекнинг тўйи ўзининг файзу бароками, тўкин-сочинлиги ва ғаройиб қадриятлари билан етти иқлимга машҳурдир. Аммо, баъзан тўйларда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, у бизни огоҳликка, инсофга чорлайди. Назаримда, кейинги вақтларда Ғарб анъаналари тезлик билан онгу шууримизга ўрнашиб олаётгандай... Масалан, тўйхонадаги баъзи удумлар ўзбекона одатларимизга тўғри келмай бораяпти. Яқинда бир дўстимнинг тўйига бордим. Келин-куёв карнай-сурнай садолари остида ўзгача бир ибо ва эҳтиром билан кириб келганида урфларимизнинг гўзаллигига яна бир бор тан бердим. Кўтаринки кайфият, тўкин дастурхон атрофида кўнглимиз яйраб, дилларимиз шодликка тўлди. Бизга ҳам шу кунлар насиб этсин дея ният қилдик. Таниқли хонандалар бир жуфтдан қўшиқ куйлашди. Қудалар, амма, хола ва бошқа яқинларига табрик учун сўз берилганда, даврадагилар қистираётган пулларни даврабоши ёрдамчилари яшин тезлигида териб олаётгани четдан қараган одамнинг кўзига жуда хунук кўринар экан. Шу пуллар келин-куёвнинг ўзига йиғиб берилса, ёш оиланинг бир корига ёки тўй қилаётган тарафларнинг баъзи сарф-харажатларига ярармиди?!



Келин-куёв боши узра сочилаётган пулларни кўриб ҳам дилимиз бироз хира бўлади. Нима бўлганда ҳам шу пул минг бир қийинчилик, катта меҳнат билан топилади. Балки орамизда бели оғримай пул топаётганлар ҳам бордир. Аммо, миллий сўмимизни бунчалар оёқ ости қилишимиз ўзимизга, халқимизга, ватанимизга ҳурматсизлик белгиси эмасми? Бундан ташқари, йигирмага яқин хориж машиналарининг тўйдан олдин саф бўлиб, келин-куёвни айлантиришга олиб бориши менимча хорижда ҳам бўлмаса керак. Тўғри, тўйларни замон талаби даражасига кўтаришимиз лозим. Лекин ортиқча ҳашамга ружу қўйиб, эл оғзига тушаман ёки ким ўзарда ғолиб бўламан деб сарф-харажатларни кўпайтириб, бунинг эвазига қарздор бўлиб қолишнинг нима кераги бор?!

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## КЎРГАЗМА

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондида ва муаллифлик шахсий тўпламларида сақланаётган рангтасвир ва ҳайкалтарошлик бўйича Ўзбекистон санъат усталари асарларининг ретроспектив кўргазмаси очилди. Бу "Бизнинг мерос" туркумидаги сўнгги кўргазмадир.**

# ЭКСПОНАТЛАРДА МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗ

Экспозицияга 150 дан ортиқ асарлар қўйилган. Кўргазмадаги рангтасвир асарларда юртимиз табиати манзаралари, тарихий шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлари, маҳаллаларнинг эски кўринишлари, хотин-қизлар сиймолари, давр жараёнининг айрим қирралари, ранг-баранг гуллар, турли мавзудаги натюрмортлар, "триптих"ларни кўрамиз.

Кўргазмадан, шунингдек, рангтасвир, лирик ва романтик руҳда ижод қилишга моил бўлган Ҳайдар Санаевнинг (1954-2012) "Хумсон" асари, манзара, натюрморт, портрет ва маҳобатли деворий сурат жанрларида ижод қилган Александр Степановнинг (1957-2011) ҳам "Хумсон" (улар бир-бирини тўлдиради) асари, Виктор Губскийнинг (1949-2007) "Сўқоқ", Маҳмуд Тўхтаевнинг (1947-2004) аёл механизаторлар бригадаси ва бошқа асарлар жой олган. Уларнинг ижоди, ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар кишини мулоҳазага чорлайди, эзгуликка хизмат қилишга даъват этади.

Кўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил топганлигига 15 йил тўлиши ҳамда бу туркум кўргазмаларнинг сўнгиси муқаддас Рамазон ойига тўғри келганлигида рамзий маъно бўлиб, шу баҳона бугунги кунда орамиздан эрта кетган рассомларнинг хотирасини ёдга олиш ҳамда руҳларини шод этиш имконини беради, дейиш мумкин. Шу билан бирга намойишга қўйилган асарлар ёш рассомларни профессионал тарбиялашда, комил инсонларнинг шаклланишида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўргазма шу йилнинг 23 августигача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

## РАССОМ ҲАНДАСИ




## БИЛАСИЗМИ?

### Кимсасиз шаҳар сотувда

АҚШнинг Юта штатидаги Вудсайд шаҳарчаси сотувга қўйилди. Кимсасиз шаҳарда эски олтин кони, почта бўлими ва ёнилғи қуйиш шохобчаси бор. Илгари уч юзга яқин аҳоли истиқомат қилган ушбу шаҳарча анча файзли эди. Хабарларга кўра, шаҳар соҳиби 63 ёшли Рой Пог Вудсайдни 3,9 миллион АҚШ долларига сотиш ниятида.

### Электрон гид

Сингапур сайёҳлик агентлиги сайёҳларга янги хизмат турларини тақдим этмоқда. Саёҳатга келган меҳмонлар энди мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирувчи, йўл бошловчи гидга эҳтиёж сезмайди. Бунинг ўрнига агентликдан йўл бошловчи "Айпад" планшет компьютерларини ижарага олиши мумкин. Маълумотларга қараганда, бундай планшетларга жойлаштирилган шаҳар харитаси ёрдамида қаерда эканингиз ва қаерга боришингиз зарурлигини, ошхона ва ресторанлар, меҳмонхоналар манзилини осон аниқлашингиз мумкин.

### Чекиш тақиқланади!



Саудия Арабистонида жамоат жойларида чекишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аввал фақат аэропортларда чекиш ман этилган бўлса, энди давлат идоралари, ресторан, кафе, супермаркет ва савдо марказлари, одамлар гавжум боғ ҳамда хиёбонларда тамаки чекиш қатъиян тақиқланди. Маълумотларга қараганда, Саудия Арабистони чекувчилар сонининг кўплиги билан дунёда тўртинчи ўринда турар экан. Мамлакатда ҳар куни олти миллион кашанда тамаки маҳсулотларини харид қилиш учун саккиз миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди.

**ЎзА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-842. Адади 7012. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.20. 12345